



“13” октябрь 2020 й. № 01-06/2808

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, турар-жой мажмуалари рекламасида **“ТЕРАССА ВА ГАРАЖ СОВҒАГА”** ва **“КУХНЯ В ПОДАРОК”** (ўзб. **“ОШХОНА СОВҒАГА”**) иборасидан фойдаланилаётганлиги маълум бўлмоқда.

Бироқ, турар-жой мажмуалари рекламасида фойдаланилган “терасса ва гараж” ёки “ошхона совғага” ибораси ноаниқлик келтириб чиқариб, совға учун қандай тартибда тақдим этилиши, хусусан (*ошхона мисолида*):

- (1) хонадоннинг ошхона учун ажратилган майдони қўшимча равишда бепул тақдим этилиши;
- (2) хонадоннинг ошхона учун ажратилган хонаси ошхона мебеллари билан жихозланган ҳолда бепул тақдим этилиши;
- (3) ошхона учун дизайн бепул тақдим этилиши;
- (4) ёки бошқа шартлар мавжудлиги аниқ ва равшан баён этилмасдан қолмоқда.

“Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Шунингдек, мазкур Қонунда, агар реклама берувчи қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ахборот берган тақдирда реклама

тайёрловчи ва тарқатувчи реклама берувчини бу ҳақда ўз вақтида хабардор этиши шартлиги белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида Сиздан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш, хусусан турар-жой мажмуалари рекламасида тақдим этилаётган имконият ва шартлар тўғрисида тўғри ва тушунарли ахборот етказилиши сўралади.

Директор



Э. Хаитметов

*Исп: А.Ахмедов.
Тел: 71 207-46-00 (318)*